

Ishonch

2018 йил 12 июнь • сешанба • № 70 (4043)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз маънавий ҳаёти, миллий қадрият ва анъаналаримизнинг ажралмас бир қисми бўлган, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини яққол ифода этадиган Рамазон ҳайитини муносиб нишонлаш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, эзгулик, ҳайр-саховат ва шукроналик туйғуларини кучайтириш, ёшларимизда юксак инсоний фазилатларни камол топтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунин 15 июнь жума кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини қўчириш тўғрисида»ги 5290-сонли Фармонида мувофиқ 2018 йил 15-17 июнь кунлари — Рамазон ҳайитининг биринчи уч кунни биравм сифатида кенг нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 11 июнь

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТДОРЛИК — МУШТАРАК ЮТУҚЛАР АСОСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8-10 июнь кунлари Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн саккинчи мажлисида иштирок этди.

Саммит доирасида 9 июнь кунини Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари бир қатор икки томонлама ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиб, кун тартибидagi энг долзарб минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама қилдилар.

Саммитнинг асосий тадбирлари 10 июнь кунини бўлиб ўтди. Дастлаб ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари тор доирада учрашдилар.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин раислигида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Хиндистон Республикаси Президенти Нарендра Моди, Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай Жээнбеков, Покистон Ислон Республикаси Президенти Мамнун Хусайн, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон иштирок этди.

2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНING КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Циндао шаҳри, ХХР, 2018 йил 10 июнь)

Мухтарам жаноб Си Цзиньпин!
Хурматли давлат раҳбарлари!
Мажлис иштирокчилари!

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан Саммитнинг барча иштирокчиларини кутлайман, Хитой Халқ Республикаси Раиси жаноб Си Цзиньпинга самимий қабул ва учрашувимиз юксак даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдираман.

Бизнинг хитойлик шерикларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик даврида жуда самарали ва муваффақиятли ишларни амалга оширди.

Бугун қабул қилинадиган ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзқўшмадори яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича Харақатлар режаси мазкур ишларнинг муҳим натижаларидан биридир.

Ўзал Циндао шаҳридаги Саммитимиз «Шанхай саккинчилиги» раҳбарларининг биринчи учрашуви сифатида тарихда қолади.

Бу чуқур рамзий маънога эга бўлиб, айнан «8»раками хитой халқида омад ва тараққиётни ифодалайди.

Ташкилотимиз аҳолиси бирданига бир ярим миллионга кўпайди, унинг иқтисодий ва интеллектуал салоҳияти сезиларли даражада кенгайди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Хиндистон ва Покистондек давлатларнинг ШХТ фаолиятида тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этиши кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш учун мутлақо янги имкониятлар яратди.

Айни пайтда Ташкилотимизнинг минтақавий ва

глобал сиёсатни шакллантириш, Евроосиё китъаси хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлашнинг муҳим механизми сифатидаги роли кучайиб бормоқда.

ШХТ янада муваффақиятли ривожланиб бораверишига қатъий ишонамиз.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Марказий Осиё барқарорлиги ва тараққиётини таъминлаш Ташкилотимизнинг асосий мақсадларига эришиш, унинг олдида турган вазифаларни ҳал этишда муҳим омиллардан биридир.

Шу муносабат билан минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланишини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Биз қисқа вақт ичида минтақадаги ўқтир муаммолар, жумладан, чегара, савдо, транспорт ва сувдан фойдаланиш масалаларини амалий ҳал қилиш йўлида анча катта марраларни босиб ўтишга эришдик.

Шу билан бирга, Афғонистонда тинчликка эришиш, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўмаклашиш минтақавий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартини бўлиб қолимоқда.

Барча томонларнинг олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан тинчлик музокаларини тез фурсатда бошлашни бир овоздан маъқуллагани Сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз билан яқинда Тошкентда ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференциянинг асосий натижаси бўлди.

Ишончим комил, «ШХТ — Афғонистон» мулоқот гуруҳи доирасида биз Афғонистоннинг тинч тараққиётини таъминлашга салмоқли ҳисса қўша оламиз.

2

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси яқунлари бўйича АХБОРОТ

(Циндао шаҳри, 2018 йил 9-10 июнь)

2018 йил 9-10 июнь кунлари Хитойнинг Циндао шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Хиндистон Республикаси Бош вазири Н.Моди, Қозғистон Республикаси Президенти Н.Назарбаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти С.Жээнбеков, Покистон Ислон Республикаси Президенти М.Хусайн, Россия Федерацияси Президенти В.Путин, Тожикистон Республикаси Президенти И.Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев иштирок этдилар.

Мажлисга Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин раислик қилди.

Мажлисда ШХТ Бош қотиби Р.Алимов ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия қўмитаси директори Е.Сисоев иштирок этди.

Тадбирда Афғонистон Ислон Республикаси Президенти

А.Ғани, Беларусь Республикаси Президенти А.Лукашенко, Эрон Ислон Республикаси Президенти Х.Руҳоний, Мўғулистон Президенти Х.Баттулга, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг биринчи ўринбосари А.Мухаммад, Жабути-шарқий Осиё давлатлари уюшмаси Бош қотиби Лим Жок Хой, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қотиби С.Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош қотиби Ю.Хачатуров, Осиёда Ҳамкорлик ва ишқор чоралари бўйича кенгаш Ижроия директори Гун Цзиньшэй, Евроосиё иқтисодий комиссияси хайъати раиси Т.Саркисян, Жаҳон банки вице-президенти В.Кавва, Халқаро валюта фонди департаменти директори Ли Чан Ён иштирок этдилар.

2

Ёз нашидаси

МЎЪЖИЗАВИЙ ФАВВОРАЛАР

шаҳарга чирой, аҳолига
хушнудлик бахш этмоқда

Сув рақси — фаввораларни томоша қилмаган киши бўлмаса керак. Атрофда туриб фавворани кузатсангиз, қалбингизда ажиб наъшилар жўш уради. Кайфиятингиз кўтарилади, чарчогингиз таркаб кетади. Ўзингизни енгил хис этасиз. Дилнингиздаги орзу хаваслар фавворадан озик олгандек бўлади гўё. Эзгуликларга эш меҳр мавжланади. Ширин ҳаёт дунёсига гарк бўласиз. Фавворанинг кўз илгамас чолғуларидан таралаётган оҳанг асабларингизни эркалайди, руҳингизга тетиклик бағишлайди. Ўзингизни бахтиёр сезасиз, ранг баранг шаклда, ажиб манзаралар касб этиб жилваланаётган сув рақсига янада мафтун бўлиб бокасиз.

Шифокорларнинг таъкидлашича, фавворалар рўпарасида ўтириш, унинг атрофида сайр қилиш инсон саломатлиги учун жуда фойдали экан. Мусоффо сув, унинг ёқимли овози кишига ҳузур ва халоват бағишлаб, танада қон айланишини яхшилайди. Алап-оқибат кишига руҳий қувват бахш этиб, асаб тизими ором бағишларкан.

4

КУН НАФАСИ



Кеча «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори эълон қилинди.

Унда аҳолининг ижтимоий заиф қатлами фаровонлигини ошириш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш, шунингдек, 2017 йил 1 декабрдаги «Ноғиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонида асосан ноғиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича амалга оширилган вазифалар белгилаб берилган.

ЎЗА

Муқаддас Рамазон ойида Индонезия Президенти Жокко Видодо жаҳонда ислом тамаддуни маркази бўлиши кўзда тутилган янги давлат университетининг қурилиши бошлаб берди.

Индонезия дин ишлари бўйича вазири Лукмон Ҳасим Сайфиддиннинг айтишича, аҳолисининг қўнчилигини мусулмонлар ташкил этувчи Индонезия ислом оламида етакчилигини кўлга киритишни мақсад қилган. Индонезия халқаро ислом университети (УИШ) нинг қурилиш ишлари 2022 йилда тугаланиши режалаштирилган.

ЎМИ Матбуот хизмати

Gazeta.uz

Сингапурдаги Сентос оролида КХДР ва АҚШ етакчилари учрашадиган «Сапелла» меҳмонхонаси ҳудудини кўриш мумкин бўлган махсус аттракцион очилди.

«Tiger Sky Tower» ёпиқ платформаси истовчиларни 130 метр баландликка олиб чиқади, у ерда меҳмонхона жойлашган 12 гектарлик ҳудуд яққол кўриниб туради. Чипта нархи 20 Сингапур доллари (15 доллар)га тенг.

TASS

Теннесси штатидаги «Окриккс» миллий лабораториясида АҚШ Энергетика вазирлиги қоида дунёдаги энг кучли суперкомпьютер яратилди.

«Summit» номини олган компьютернинг кучи 200 петафлопсга тенг. У бир сонияда 200 млн. миллиард операцияни бажаришга қодир.

Янги машина бир сония ичида ер юзидagi барча одамлар 305 кун давомида тинимсиз бажариши керак бўлган ишнинг амалга оширади.

NV.ua

Самарқанд вилояти мусикали драма театри жамоаси жорий йилнинг 11-16-июнь кунлари Қозғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган «Sang'au» VI халқаро театрлар фестивалида иштирок этади.

Фестивалда Қозғистон, Ўзбекистон, Россия, Сербия, Қирғизистон театрлари жамоалари 12 та энг сара сахна асари билан қатнашади. Танлов ҳайъатига тақдим этилган 30 тага яқин ижодий ишлар орасидан сараланган бу асарлар каторида Самарқанд театрининг «Кўчки» спектакли ҳам ўрин олган. Театр ижодкорларининг мазкур асари жорий йилнинг апрель ойида Туркиянинг Кўния шаҳрида ўтказилган «Минг нафас — бир овоз» туркий тилларда сахналаштирилган спектаклларнинг XI халқаро фестивалида эътироф этилган эди.

ЎЗА

Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбаев Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг аъзо мамлакатларига ўзаро ҳисоб-китобда миллий валютадан фойдаланиш ва шу орқали иқтисодий хавфсизликни таъминлашни тақдир қилди.

ЎЗА

Kommersant.uz



ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТДОРЛИК — МУШТАРАК ЮТУҚЛАР АСОСИ

41

Мажлисида ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш, иқтисодий ва инвестициявий шериклини ривожлантириш, инновация ва юқори технологиялар ҳамда транспорт-коммуникация, атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари Хитой ШХТга раислик доирасида самарали ва муваффақиятли иш юритгани, сўнгги бир йилда аъзо давлатларнинг турли вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирокида 100 дан зиёд анжуман ташкил этилгани, бу тadbирларда муҳим натижаларга эришилганини таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ташкилотга аъзо мамлакатлар билан бирга қулатувчи, мулоқот бўйича шерик мақомидаги давлатлар, халқаро ташкилотлар делегациялари раҳбарлари катнашди.

Мажлисида ШХТни ривожлантиришнинг истиқболдаги йўналишлари, муҳим минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Иқтисодий ва инвестициявий шериклини кенгайтириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорлигини фаоллаштириш масалалари ҳамда қўл томонлама кооперациянинг бошқа жиҳатлари муҳокама қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сўзларида:

Саммитда давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақавий раҳбарлар ташкилотлар институтини директорини Владимир Норовни ШХТ Бош котиби, Тожикистон вакили Жумахон Гиёсовни ШХТ Минтақавий аксил-террор тузилмаси Ижроия қўмитаси директорини лавозимига тасдиқладилар.

Саммит якунлари бўйича Циндао декларацияси қабул қилинди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2019-2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қондаларини амалга ошириш бўйича 2018-2022 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режаси, жами 17 ҳужжатни имзоладилар.

Ўзбекистон Президентининг таклифига мувофиқ, ШХТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати қабул қилингани саммитнинг яна бир аҳамиятли воқеаси бўлди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик Қирғизистон Республикасига ўтди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда ШХТнинг Циндао саммити самарали ўтгани, имзоланган ҳужжатлар ташкилотни янада ривожлантириш, минтақа мамлакатлари ва халқларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзаро ишонч ва манфаатдорлик — муштарак ютуқлар асоси» шиори остида ўтган Циндао саммити ШХТ фаолиятида янада янги имкониятлар очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТ саммити доирасида қатор давлатлар раҳбарлари билан учрашди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашувда ушбу давлат билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзгармас

йўналиши экани таъкидланди.

Бир йилда Ўзаро 70 делегация ташрифи амалга оширилган, 21 марта ҳудудлараро учрашувлар ўтказилган алоқаларнинг буғунги суръати ва микёсидан далолат беради. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 40 фоиздан зиёд ўсди, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўтган йили Россияга ташрифингиздан кейин муносабатлар янги суръат касб этди. Сизнинг ташаббусингиз билан чегаралардан ўтишда «яшил йўлак» ташкил этилгани натижасида Ўзбекистон мева-сабзавотларини етказиб бериш қарийб 36 фоиз ошди. Россиянинг етакчи компаниялари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, деди Владимир Путин.

Мулоқотда томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ХХР Раиси Си Цзиньпин билан учрашди.

Хитой раҳбари ХХР Ўзбекистон билан кенг қўламли стратегик шериклик ва қўл форматли ҳамкорликка катта аҳамият қаратишини таъкидлади.

Президентимиз ХХР Шанхай ҳамкорлик ташкилотига муносиб равиш билан раислик қилгани ва Циндао саммити юксак савияда ўтаётгани муносабати билан Хитой раҳбарини табриклди.

Ўзбекистон — Хитой муносабатлари Ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг барча муҳим соҳаларини қамраб олган ва изчил ривожланиб бормоқда. 2017 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 5 миллиард долларни ташкил этди.

Учрашувда иқтисодиёт, савдо, инвестиция, транспорт коммуникациялари, юқори технологиялар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ШХТнинг Циндао саммити доирасида Хиндистон Бош вазирини Нарендра Моди билан учрашди. Давлатимиз раҳбари Хиндистон халқини ушбу мамлакат Шанхай ҳамкорлик ташкилотига тўла ҳуқуқли аъзо бўлгани, Н.Модини ШХТ давлат раҳбарлари учрашувда янги мақомада катнашаётгани муносабати билан қутлади.

Шавкат Мирзиёев мазкур учрашув аввал эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилиш ва ҳамкорлигининг истиқболларини белгилаб олиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Нарендра Моди Ўзбекистон Хиндистоннинг ШХТга қабул қилинишини қўллаб-қувватлагани учун самимий миннатдорлик билдирди. Бу Ўзбекистон билан ҳамкорлигини ҳам ўзаро, ҳам минтақавий микёсда ривожлантириш учун янги имкониятлар очилиши кайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий, инновация ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Ахборот технологиялари, тиббиёт, фармацевтика, туризм каби йўналишларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини қўриб чиқилди. Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорлигининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамунун Хусайн билан учрашув ўтказди.

Шавкат Мирзиёев Мамунун

Хусайнни Покистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлгани билан табриклди, бу мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Учрашувда савдо, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Циндао шаҳрида Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани билан музокара ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқи қардош ва қўшни Афғонистонда тинчлик барқарор бўлишидан манфаатдор эканини таъкидлади.

Жорий йил Тошкентда ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференциядан кейин бутун дунёда юртингизда тинчлик ўрнатиш бўйича катта ҳаракатлар бошлангани мамнуният бағишлайди. Барча тушунаптики, бунинг якяқо ягона йўли — мулоқот. Ушбу учрашувимиз шу борада фикр алмашиш, мамлакатларимиз учун муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун қўлай фурсатдир, деди Президентимиз.

Ашраф Ғани икки давлат ўртасидаги сиёсий мулоқот кейинги пайтларда изчил фаоллашаётганини қайд этди.

Ўзбекистонга тартиб доирасида эришилган келишувлар қисқа муддатларда амалга оширилаётганини «асоҳида» таъкидламоқчиман. Афғонистон мамлакатини янада ривожлантириш бўйича йирик анжуман ўтказганингиз учун халқимиз ва ҳукуматимиз номидан қучур миннатдорлик билдираман. Бу масалаларга шавкат эътиборингиз сиёсий ечимларга йўл очди, деди Афғонистон Президенти.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт коммуникациялари, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлигини мустаҳкамлашга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад хонимни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги икки йилда Ўзбекистон — БМТ ҳамкорлиги фаол тус олгани, амалий натижалар билан бойинганини таъкидлади. БМТнинг нуфузли делегациялари мамлакатимизга мунтазам ташриф буюраётгани, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган амалий чора-тадбирлар режаси изчил амалга оширилаётганини қайд этди.

Амина Муҳаммад Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги иштирокини мамнуният билан ёдга олар экан, мамлакатимиз томонидан минтақавий ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, Афғонистонни қайта тиклашга қўмаклашиш бўйича қўрилаётган аниқ чора-тадбирларни юқори баҳоладди. Тошкентда ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция бу масалага жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортгани кайд этилди.

Мулоқотда БМТ делегациялари раҳбарлари билан бўлиб ўтган аввалги учрашувларда эришилган келишувлар ижросининг бориш бўйича атрафлича фикр алмашилди. Ҳамкорлигининг истиқболдаги муҳим йўналишлари муҳокама қилинди.

УЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

41

Мухтарам делегациялар раҳбарлари!

Биз ШХТ доирасида қўллаб-натижаларга эришдик. Шу билан бирга, Ташкилот доирасидаги шериклини янада ривожлантириш учун хали ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд.

Шу муносабат билан барчамиз қуйидаги масалаларга эътибор қаратишимиз лозим.

Биринчидан ва энг асосийси — аҳоли, айниқса, ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафкурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетни шакллантириш.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурининг қабул қилиниши мана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаганингиз учун барчангизга миннатдорлик билдираман.

Ишонамизки, ушбу Дастурни амалга оширишда ШХТ Ёшлар кенгаши ҳақиқий «локомотив» вазифасини ўтайди. Ўзбекистон ушбу тузилма фаолиятида фаол иштирок этади.

БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари

тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўлидаги ҳамкорлигимизни янада кучайтиришни таклиф этаман.

Иккинчидан, савдо-иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш ва кооперацияни кучайтириш.

Жорий йил бошидан буён Ўзбекистоннинг ШХТга аъзо давлатлар, унинг қурашувчилари ва шериклари билан савдо ҳамжи ўттиз фоиздан зиёд ошди.

Бизнинг фикримизча, товар айирбошлаш ҳажми янада ошишини таъминлаш учун экспорт-импорт тартиб-таомилларини содда-лаштириш зарур.

Биз, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида агросаноат кластерларини шакллантириш тарафдоримиз.

Учинчидан, ШХТ маконининг транспорт-транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш — стратегик вазирамиздир.

«Бир макон, бир йўл» ташаббуси доирасида минтақалараро транспорт лойиҳаларини амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Бизга жаҳоннинг энг йирик бозорларига элтиладиган янги ва энг кичик йўналишлар керак.

Ўзбекистон Мозори Шариф —

Хирот, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўл линияларини қуриш тарафдори.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистонда ШХТга аъзо давлатларнинг темир йўл бўйича идоралари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, ШХТнинг Халқаро транспорт-логистика ассоциациясини таъсис этиш имкониятини қўриб чиқишни таклиф этамиз.

Тўртинчидан, Инновация дастурлари ва лойиҳаларини ҳамкорликда амалга ошириш учун барча сайё-ҳаракатларни бирлаштиришга даъват этамиз.

Бизнинг шериклигимиз юқори технологиялар, рақамли иқтисодиёт, муқобил энергетика ва замонавий тиббиётни ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилиши лозим.

Хар йили ШХТ мамлакатлари ҳукуматлари ва ишбилармон доиралари иштирокида Ахборот технологиялари ва инновация ривожланиш форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Бешинчидан, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан амалий ҳамкорлигини йўлга қўйишни мақсадга мувофиқ ва ғоят долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича АХБОРОТ

41

Аъзо давлатлар раҳбарлари 2017 йилги Остона саммити якунларининг ижросини ҳамда жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида кечаётган жараёнлар асосида ШХТни янада ривожлантиришга доир биринчи талдаги вазифаларни қўриб чиқдилар. Томонларнинг ўзаро келишилган позицияси қабул қилинган Циндао декларациясида ўз ифодасини топди.

Аъзо давлатлар ШХТ Ҳарфисининг мақсад ва вазифаларига риоя этиш ҳамда, «Бир макон, бир йўл» ташаббуси доирасида ШХТни 2025 йилгача мўлжалланган ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишга қаратилган қарар қабул қилди. Бугунги кунда ШХТ ноёб, нуфузли ва обрўли минтақавий бирлашма сифатида қарор топгани, Ташкилотга Хиндистон ва Покистон аъзо бўлгандан сўнг унинг салоҳияти сезиларли даражада ошгани таъкидланди.

Сиёсат, хавфсизлик, савдо ва иқтисодиёт, жумладан, молия, инвестиция, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги амалий ҳамкорлигини, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашнинг давом эттириш борасидаги истак-хушхилар муштарак экани билдирилди. ШХТга аъзо давлатлар ўртасида Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қондаларини амалга ошириш бўйича 2018-2022 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси маъқулланди.

Долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича фикр алмашиш асосида ШХТ маконига хавфсизлик ва барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, янги мазмундаги халқаро муносабатлар ва ягона тақдирга эга бўлган инсоният ҳамжамиятини яратилиши муштарак ғоясини шакллантиришга қўмаклашиш йўлида ҳамкорликдаги сайё-ҳаракатларни жадаллаштириш зарурлигини қайд этдилди.

Аъзо давлатлар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принциплари доирасида Афғонистон, Сурия, Яқин Шарқ, Корея ярим оролидаги ва бошқа минтақавий низолағга барҳам беришнинг қатъий тарафдоридир. Эрон ядро дастури атрафдаги вазиятни тартибга солиш бўйича Қўшма ялли ҳаракатлар дастурининг изчил ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Аъзо давлатлар БМТнинг халқаро тинчлик ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича сайё-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватлайди. Улар БМТнинг халқаро терроризмга қарши кураш бўйича кенг қамровли конвенцияси, шунингдек, Қозғонистон Республикасининг БМТ майдонига Терроризмдан холи тинчликка эришиш бўйича ҳуқуқ кодексини илгари сурши ташаббусини қабул қилиш масаласида муроғига эришиш ҳуқуқининг таъкидладилар.

Аъзо давлатлар раҳбарлари Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикасининг БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодоний аъзолигига ўз номозларини илгари сурши истганини қайд этдилар. ШХТнинг хавфсизликка нисбатан таҳдидга ва хавф-хатарларга қарши самарали курашиш бўйича ўзаро мувофиқлашган муносабати ўзгармас бўлиб қолмоқда. ШХТга аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2019-2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури бу борадаги амалий ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади. Уни амалга оширишда ШХТ МАТТ асосий роль ўйнайди.

Қайд этилган йўналишларда томонларнинг ўзаро алоқалари учун муҳим платформа вазифасини ўтаган терроризм ва экстремизмга қарши кураш масалалари бўйича Халқаро конференция якунлари (Душанбе шаҳри, 2018 йил 3-4 май) юксак баҳоланди.

Аъзо давлатлар раҳбарлари ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ёшларни бузғучи ҳаракатларга жалб этилишининг олдини олиш бўйича комплекс ишларни йўлга қўйиш тарафдоридир. Шу муносабат билан Ёшларга қўшма мурожаат ва унинг қондаларини ижроси бўйича Ҳаракатлар дастури қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» мақсус резолюциясини қабул қилиш ҳаждаги ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Аъзо давлатлар бундан буён ҳам ШХТнинг 2018-

2023 йилларга мўлжалланган наркотикларга қарши стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури, шунингдек, наркотик воситалар ва психотроп моддаларни сунъийёмоқ қилишнинг олдини олиш бўйича ШХТ Конвенцияси асосида наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлигини давом эттиради.

ШХТ ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлатларнинг ахборот маконидagi масъулияти ва ўзини қўллаш билан биргаче, умумий халқаро қўйлашлар, норма ва тамойилларни ишлаб чиқиш соҳасидаги қўл қўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини шакллантиришга ўз хиссасини қўшишда давом этади.

ШХТга аъзо давлатлар барқарор тараққиёт соҳасидаги Глобал масалаларни амалга оширишда БМТ марказий ўрин туттишини ёқлаши таъкидланди. Очик турдаги жаҳон иқтисодиётини шакллантириш мақсадида асоси Жаҳон савдо ташкилоти хисобланган глобал иқтисодий бошқарув, қўл қиррали савдо тизимини изчил бошқариш ва ривожлантириш архитектурасини такомиллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

ШХТ савдо ва сармоя, савдо жараёнларини содда-лаштириш бўйича вазифаларини ҳал этиш, электрон савдонини рағбатлантириш, хизматлар индустрияси ва хизматларини сотишни ривожлантириш бўйича қўшма ёндашуларни белгилаш учун қўлай шароит яратилишга интиломоқда. Микро, кичик ва ўрта тadbиркорлигини қўллаб-қувватлаш, транспорт, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорлигини ривожлантириш йўлидаги сайё-ҳаракатлар давом эттирилди.

Ўзбекистонда ШХТга аъзо давлатларнинг темир йўл бўйича идоралари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказиш тўғрисидаги ташаббус қўллаб-қувватланди. Экология муаммоларига эътиборни кучайтириш мақсадида ташкилотга аъзо давлатлар Атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик концепциясини қабул қилди. ШХТга аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлиги дастури лойиҳаси бўйича ишлар давом эттирилди.

Тожикистон Республикасининг «Сув — барқарор тараққиёт учун, 2018-2028 йиллар» Халқаро ҳаракат ўн йиллиги ҳамда БМТ шафелигиди ушбу мавзуга бағишланган оқими даражадаги халқаро конференцияни ўтказиш (Душанбе шаҳри, 2018 йил 20-22 июнь) тўғрисидаги ташаббуси юксак баҳоланди.

Қозғонистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Покистон Ислам Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Хитой Халқ Республикасининг «Бир макон, бир йўл» ташаббусини қўллаб-қувватлашни тасдиқладилар, уни биргаликда амалга ошириш, жумладан, Евросиё иқтисодий иттифоқи ва «Бир макон, бир йўл»ни ўзаро мувофиқлаштириш борасидаги сайё-ҳаракатлар қайд этилди.

Аъзо давлатлар раҳбарлари ШХТ макониди кенг, очик, ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли шериклигини шакллантириш мақсадида минтақа мамлакатлари, халқаро ташкилотлар ва қўл томонлама бирлашмалар салоҳиятидан фойдаланиш тарафдоридилар.

ШХТга Худудлар раҳбарлари форумининг ташкил этилиши худудлараро ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади. Форумнинг биринчи мажлисини 2018 йилда Челябинск шаҳрида (Россия Федерацияси) ўтказиш мўлжалланмоқда.

ШХТ Ишбилармонлар кенгаши ва ШХТ Банклараро бирлашмаси салоҳиятини тулқин рўбига чиқариш борасидаги сайё-ҳаракатлар давом эттирилди.

Банк-молия соҳасидаги амалий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва ШХТ Тараққиёт банки ва ШХТ Тараққиёт фонди (Мақсус ҳисобини ташкил этиш масаласида салохиятини тулқин рўбига чиқариш давом эттиришга доир ижобий позиция тасдиқланди. Давлат раҳбарлари гуманитар ҳамкорлигининг халқлар ўртасида ўзаро англашув, ишонч ва дўстлигини мустаҳкамлашдаги алоҳида ўринини тасдиқлаб, маданият, таълим, фан ва техника, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт соҳаларидаги қўл қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш тарафлари эканини билдирдилар.

ШХТ қурашувчи ва мулоқот бўйича шерик мамлакатлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташки-

Ўзбекистон биргаликдаги сайё-ҳаракатлар билан тамаддулар чорраҳаси — Самарқанд шаҳрида «Ипак йўли» туризм университети ташкил этишни таклиф қилади.

Мазкур ўқув муассасасида туризм соҳасининг энг яхши мутахассислари дарс бериши, барча аъзо мамлакатлардан талабалар тахсил олиши мумкин бўлади.

Мухтарам дўстлар! ШХТ Бош котиби лавозимига Владимир Имомович Норов номзодини қўллаб-қувватлаганингиз учун Сизларга самимий миннатдорлик билдираман.

Сўзим якунида Хитой Халқ Республикаси Раиси жаноб Си Цзиньпинга Циндаодаги тарихий Саммитнинг муваффақиятли ўтказилишига шаҳсан катта ҳисса қўшгани учун яна бир бор чин қалбимдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Қирғизистон Республикаси

«Қора бозор»нинг қора томонлари

Тахририятимиз Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди. Унга мувофиқ, эндиликда газета саҳифаларида долзарб мавзудаги таҳлилий материаллар, муҳим қарорлар ва ҳужжатлар моҳияти, улар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги турфа материаллар, хабар ва мақолалар чоп этиб борилади. Қўйида шу йўналишдаги дастлабки материал ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Давлат иқтисодиётига жиддий зарар etkazuvchi, тадбиркорлик муносабатларини жалғитувчи валюта савдосининг «қора бозори» яқин-яқингача банк-молия тизимига тушов бўлиб келди. Маълумотларга қараганда, Бош Прокуратура ҳузуридаги Департамент ходимлари томонидан 2017 йил ва жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 5 миллион 250 минг 463 АҚШ доллари ҳамда 16 миллиард 260 миллион сўм миқдоридagi валюта қимматликларининг ноқонуний муомаласига чек қўйилган. Бу рақамлар ортида қанчадан-қанча жиноий ишлар, ноқонуний хатти-ҳаракатлар борлиги, уларни аниқлашга қадар кечган жараёнларни тасаввур этиш қийин эмас.

Илгари кўча-қўйда «Доллар, рубль, танга ола-миз», дея қўлида бир даста пулни айлантириб турган «шоввозлар»га кўп бора дуч келганмиз. Кимлардир уларнинг «беминнат» хизматидан фойдалангани ҳам айтиш ҳақиқат. Бундай «тижорат»нинг ноқонунийлиги, қонунда белгиланган тартибда жазога тортилиши аниқлиги ўз йўлига. Лекин унинг давлатга, халққа қанчалик зарар etkazuvchi алоҳида масала.

Айримлар бир қарашда «100-200 доллар билан нима ўзгарар эди», деган фикрга келиши мумкин. Бирок «Оз-оз йиғилиб, дарё бўлур» нақли хали-ҳануз эскирмаган. Эшматжон юз доллар, Тошматжон яна шунча, яна фалончи пистончилар билан қўшилиб, бу рақамлар ана-мана дегунча

миллионларни қоралаб қолади. Департамент ходимлари томонидан келтириб ўтилган миллион-миллион доллар ҳисоби ўйлаб топилмаган ва ёки осмондан олиб ёзилмаган. Бу ҳозирга қадар фош этилганлари, ҳолос. Ҳали хуфёна қолгани, фаолиятини яширинча давом ettirayotganлари қанча?

«Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони мамлакатимизда чет эл валютасининг кириши ва чиқиши, ички айланмаси ва айирбошланишида қатор имкониятлар яратгани сир эмас. Валюта бозорини эркинлаштириш сиёсати тўғрисида доллар расмий курсининг пасайиши кузатишмоқда. Бу тадбиркорлар ва инвесторлар учун қўлай шароит вужудга келатганидан далолат.

Барча тижорат банкларида валюта айирбошлаш шохобчалари фаолият юритмоқда. Эндиликда фуқаролар валюта олиш ва уни сўмга алмаштириш операцияларини эркин амалга оширишлари. Валютани нақдлаштириб олиш учун махсус банкоматлар ҳам ўрнатилган. Бирок айрим кимсалар яратилган имкониятдан фойдаланиш ўрнига ҳамон «қора бозор»дан кўнгил узмаётир. Бозорга йўлингиз тушса, «валюта сотиб оламиз», деб ўтирган эски «валютасуруш»ларга ҳамон кўзимиз тушади. Уларнинг хизматидан воз кеча олмаётганлар ҳам кам эмас.

Бош прокуратурадан маълум қилишларича,

департаментнинг Чилонзор тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаролар Ш.Ғ. ва Ж. Ўзаро олдиндан тил бириктириб, хар бир АҚШ долларини «қора бозор» нархида 8150 сўмдан ҳисоблаб, 27 минг АҚШ долларини ноқонуний даромад орттириш мақсадида 220 миллион сўмга сотаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган. Уларга энди суд томонидан зарурий чора қўрилади.

Шу ўринда давлат фойдасига мусодара қилинган 5 миллиондан зиёд АҚШ доллари иқтисодиётимизга ҳалол йўл билан киритилганда қандай самара беришини бир мисол ёрдамида кўриб чиқамиз. Шартли тарзда банкка тўқимачилик ва тижоратчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этиш учун умумий қиймати 4 миллион 723 минг 888 АҚШ доллари тенг бўлган бизнес-режа тақдим этилиб, унга мувофиқ 7 йилга худди шу миқдордаги валюта маблағлари кредит тарзида берилиши сўралган, деб тасаввур қилайлик.

Хўш, бу кредит тақдим этилса, нима бўлади? Биринчидан, олис бир вилоятда 150 та қўшимча иш ўрни яратилади. Бу хар бир оилада кам деганда 5 нафар киши истикомат қилишини инобатга олсак, 750 нафар кишининг ҳаёт фаровонлиги ошишига имкон яратлади. Қолаверса, бу камиди 300 киши хорижга ишлаш учун эмас, аксинча, малакали мутахассис сифатида ўқиш ва иш ўрганиш учун боради, деганидир.

Иккинчидан, олис кишлоқларга саноат индустрияси кириб келади. Бунинг натижасида у ердаги йўл, электр энергияси ва табиий газ таъминоти яхшиланиб, қўшимча инфратузилмалар яратилади.

Учинчидан, Ўзбекистон бозори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари билан бойийди, бир йилда 3 миллион 482 минг 672 АҚШ доллари тенг



бўлган тўқимачилик маҳсулотлари ва ётоқ жилдларини хориждан валютага сотиб олмаётимиз.

Тўртинчидан, мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг ошишига ҳисса қўшилади. Оқибатда миллий иқтисодиётга қўшимча валюта тушуми кўпаяди, кейинроқ яна шунақа корхоналар очилишига замин яратилади.

Бешинчидан, маҳаллий бюджетга айнан шу лойиҳа бўйича жами 2 371 349 АҚШ доллари миқдорда солиқ ва бошқа тушумлар амалга оширилади. Демакки, олис туманлар ва кишлоқларнинг бюджет имконияти ошади, пенсия ва бошқа тўловлар кечиктирилишининг олди олинади.

Кўриниб турганидек, биргина валюта соҳасидаги қонунбузарлик мамлакатимиз иқтисодиётига қанчалик зарар келтирса, пухта ўйланган қонуний сай-ҳаракат шунчалик кўп фойда келтириши маълум бўлади. Бинобарин, қонунга риоя қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз ҳисобланади.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмаси аралашгач...

Ўзбекистон туманининг «Янги ҳаёт» мавзесида яшовчи фуқаро Баҳром Шаматовнинг ишга тиклашда амалий ёрдам сўраб ёзган аризаси ҳуқуқшуносларимиз томонидан ўрганиб чиқилди.

ҲАЙРИҚОНУНИЙ БУЙРУҚ

2 млн. 467 минг сўмга тушди

Аниқланишича, Б.Шаматов 2015 йилдан буён «Қўқон ёр-мой» АЖда «Ёнгининг олдини олиш» бўлими қоровули вазифасида ишлаб келган.

Иш берувчи томонидан жорий йилнинг 22 январь кунини чикарилган буйруққа асосан, Б.Шаматов билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 99-моддасига кўра бекор қилинган. Буйруқ чикаришга Б.Шаматовнинг 22 январь кунини ёзган аризаси асос қилиб кўрсатилди.

Меҳнат Кодекси 99-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган оғохлантириш муддати давомида ходим берган аризасини қайтариб олишга ҳақли эканлиги қўрсатилган бўлса-да, иш берувчи томонидан оғохлантириш муддати ривоз этилмаган. Яъни, ходимнинг 2018 йил 22 январь кунини берган аризасига шу куннинг ўзидаёқ буйруқ расмийлаштирилган. Яъни, аризачининг оғохлантириш муддати даврида аризани қайтариб олиш ҳуқуқи бузилган.

Шунга кўра, иш берувчининг фуқаро Б.Шаматов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг бекор қилини ва Б.Шаматовнинг ишга тиклангунга қадар мажбурий бекор юрган кунларига ўртача ойлик иш ҳақини ундириш ҳақида судга даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, Б.Шаматовнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, унга мажбурий бекор юрган даври учун 2 млн. 467 минг 901 сўм ундириб берилди.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
Фаргона вилояти касаба ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими етакчи юрист-консулти

Ижтимоий ҳаётда фаоллик

олий таълимнинг асосий вазифаси бўлиши керак

Президентимизнинг 2018 йил 19-20 январь кунлари вилоятимизга таширидан сўнг Сўрхондарёда бир эмас, олти олий ўқув юртининг пайдо бўлиши воҳамиз аҳли томонидан ҳеч қўтилмаган янгилик, совға сифатида қабул қилинди. Бугунги кунда вилоятда ТерДУ, ТерДУнинг Денов филиали, Тошкент давлат педагогика университети Термиз филиали, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат аграр университети Термиз филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, сиртки бўлимларнинг ташкил этилиши, айниқса, оила қурган ёшларимиз учун катта имкониятлар эшигини очди.

Президентимизнинг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ўқиб, биз педагоглар қувончига яна қувонч қўшилиди.

Аввало, қарорда олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини яхшилаш учун қўриладиган чора-тадбирларни белгилашдан олдин, бу жараёнга тўсик бўлаётган омиллар бирма-бир санаб ўтилди. Ҳақиқатдан ҳам, касалликнинг сабабини билмасдан туриб, уни даволаш мумкин эмас. Ана шу тўсиклардан бири олий таълим даргоҳларига кириш имтиҳон тестлари абитуриентларнинг мантикий фикрлаш қобилиятини аниқлаш имконини бермаётганидир. Бу ҳолат кўпгина иқтидорли талабгорларнинг норозилигига сабаб бўлиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мисол учун айтадиган бўлсак, филология, журналистика йўналишига кирмоқчи бўлган абитуриент киши шеър, хикоя ёза олади, ҳусниҳати, имло саводи жойида, лекин тест саволларида учраб турадиган мураккабликлар, гаулиқлар тўғрисида паст балл олиб қолиш эҳтимоли юқори. Бу ҳолатда ҳақиқий истеъдод эгаси ўқинишга киролмайди ёки нари борса, шартнома асосида қабул қилиниши мумкин. Давлатимиз раҳбарининг қарорига тегишли мутасадди идораларга олий таълим муассасаларида кириш имтиҳонларидаги тест саволларини тайёрлаш услубларини илгор хорижий тажриба асосида

қайта кўриб чиқиш ва уларни такомиллаштириш вазифаси қўйилгани бу борада адолатли танловга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Мазкур ҳужжатда мамлакатимизда амалга оширилаётган тўб ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ОАВ орқали халқимизга тушуиниришда олийгоҳларнинг фаол иштирок этишга кўрсатиб ўтилди. Дарҳақиқат, олий таълим муассасаларида меҳнат қилаётган олимлар нега бугунги ислохотларни таҳлил қилиб, одамларга тушуиниришга ошмайдими? Бу уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол эмаслиги, жараёндан узилиб қолгани, таъбир жоиз бўлса, илмфан ва ҳаётнинг бир-биридан узоклашиб кетганини аниқлашмайдими? Мамлакат ривожини таъминлашда барча соҳаларни қамраб олган ҳолда илмий таҳлилга асосланган ҳулоса ва тавсиялар бериш олимларнинг вазифасига кирмайдими?

Масалан, кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштиришда хар йили «сеел келди, қурғоқчилик бўлди, касаллик тегди», деган бир сабаб топилади. Нима учун хар қандай об-хаво шароитида ҳам кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг ўзинга хос усуллари йўқ? Иқлим қандайлигидан қатъи назар, керак бўлса, об-хаво ҳақидаги ўзгаришларни ҳам олдиндан прогноз қилиб, деҳқонларни оғохлантириш, олдиндан шунга қарши чоралар кўришга ўргатиш қабил ишлар бошида илм ахллари туриши керак эмасми?! Мамлакат ҳаётини, одамларнинг турмушини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни кўр-кўрона мактайдиганлар эмас, уни асослаб, келажагини кўрсатиб бера

оладиган олимлар, институтлар керак.

Назаримда, Президентимизнинг ушбу қарорига белгиланган муҳим вазифалар ана-шу саволларга жавоб топишда муҳим омил бўлади. Шунингдек, қарор билан олий таълим муассасалари бакалавриятга қабул қилиш квоталаридан ташқари, суҳбат асосида тест синовларисиз ўқинишга қабул қилишга рұхсат берилиши ҳам қатъи аҳамиятга эга. Муҳими, бунда чет мамлакатлар билан дўстлик алоқалари мустаҳкамланади, Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг нуфузи ошади. Бу ерда Ўзбекистон ва хорижий олий таълим муассасаларининг ўзаро қилиши ва қўшма таълим дастурлари асосида талабаларни ўқитиш ҳамда икки томонлама тан олинадиган диплом бериш амалиётининг жорий этилиши ҳам назарда тутилгани эътиборга молик.

Илгор хорижий тажрибада абитуриент бир фандан юқори балл, иккинчисидан паст балл олиб, биринчи йили ўқинишга қира олмаса ва агар у истаса, кейинги танловларда юқори балл олган фандан имтиҳондан озод этилади ҳамда ўша ўтган сафар олган юқори балли ҳисобга олинади. Бу тажрибадан мазкур қарорда ҳам илгор халқроқ имтиҳон тизимлари (TOEFL, IELTS, CEFR, SAT General, SAT Subject ҳоказо) сертификатига эга бўлган абитуриентларга тегишли фандардан белгиланган энг юқори балл бериш ва ушбу фандар тест синовидан озод этиш тартибини жорий этиш услубидан фойдаланиш кўзда тутилган. Бу эса ўқинишга иштирокчи болаларни жалб этиш имкониятини қучайтиради.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор олий таълим тизимидagi қўллаб муаммоларга ечим бўлиши шубҳасиз. Қолаверса, бу эртага сафимизга қўшилладиган ёш кадрларининг хар томонлама жаҳон талабаларига жавоб бера оладиган, бозор иқтисодиётида мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам жой олишига хизмат қиладиган фидойи ходимлар бўлиб қамол топишини таъминлайди.

Шоҳида ОРИПОВА,
сенатор

12 июнь — Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши курашиш кунин

Халқаро Меҳнат ташкилоти томонидан хар йилнинг 12 июнь санаси болалар меҳнатига қарши кураш кунин сифатида кенг нишонланади. 2002 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур тадбирнинг бош мақсади болалар меҳнати даражасининг ошиб бораётгани ҳамда бу ҳолатни бартараф этиш учун ҳаракат қилиш заруратига қаратилган. Ҳукуматлар, иш берувчилар, фуқаролик жамияти, шунингдек, дунё бўйлаб миллионлаб инсонларнинг эътиборини меҳнат қиладиган болалар масаласига жалб этиш, уларга қандай ёрдам бериш мумкинлигини кенг қамровда муҳокама қилиш айнан шу кунин ташкиллаштириладиган тадбирларнинг мазмун-моҳиятини ўзида ифода etadi.

Бола ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

Халқаро ва миллий қонунчиликка мувофиқ ёши 18 гача бўлган шахслар бола ҳисобланади. «Бола меҳнати» деган тушунча болалар учун ҳавфли бўлган, ақлий, жисмоний, ижтимоий, ахлоқий жиҳатдан зарарли ёки уларнинг таълим олиш эҳтиёжларига қабул қилиб бўлмайдиган тўсикларни келтирадиган ишларга нисбатан қўлланилади. «Бола меҳнатининг оғир шакллари»ни тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шойиланч чоралар тўғрисидаги БМТ Конвенсиясида «болалар меҳнатининг оғир шакллари»га қуйидагича таъриф берилган: «Болалардан қуролли жанжалларда фойдаланиш учун уларни мажбурлаш»;

Фоҳишабошиқ, порнографик томодаларда иштирок этиш учун болалардан фойдаланиш;

Наркотиклар тайёрлаш ва сотишга ёллаш;

Бажариш ҳусусиятлари ёки шароитига кўра болалар соғлиги, ҳавфсизлиги ва маънавиятига зиён etkazuvchi қонун бу борадаги барча масалаларни қамраб олгани билан эътиборга молик.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда дунёда 215 миллион нафар бола меҳнат билан машғул.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, юртимизда ёш авлоднинг хар томонлама баркамол вояга етиши йўлида барча шароит ва имкониятлар яратилган. Бунга бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий тизимини яққол мисол сифатида келтириш мумкин. «Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги қонун бу борадаги барча масалаларни қамраб олгани билан эътиборга молик.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда 12-йиллик мажбурий бепул таълим тизимининг жорий қилинган халқаро ҳамжамият томонидан болалар меҳнатига қарши курашнинг самарали механизмларидан бири сифатида эътироф этилган. Унинг афзаллиги шундаки, мактабни битирган ўқувчилар академик лицей ва касб-хунар коллежларида турли фандарни ўрганиш билан бирга меҳнат бозорига зарур мутахассисликка эга бўлади. Бу Ўзбекистонда ёшлар сиёсатида эътибор жуда юқори эканидан далолатдир. Юртимизда болалар меҳнатига қарши курашнинг яна бир муҳим усули бўлган ёшга соғломлаштириш тадбирларининг ўтказилиши ҳам ўзинга хос ҳусусиятга эга. Улар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан мувофиқлаштирилади. Бу эса кўпгина муаммоларни комплекс тарзда хал этиш ва тадбирларни юқори савияда ўтказишга ёрдам беради.

Ноҳира ҚАРИМОВА,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси «Меҳнатчи муҳофаза қилиш» бўлими мудирин

Акс-садо

Рақс тушиш учун лицензиянгиз борми?

зига айланиб ултурган одағларимизга баҳо берилиши кишини хушёр тортирди.

Тўй-ҳашамларни ортиқча харажат ва дабдабаларсиз ўтказиш борасида тегишли кўрсатмалар берилган, ҳусусан, бу борада ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши ҳам кўзда тутилаётган бир вазиятда тўй ва тантаналардаги янги «тартиб», расм-русумларга чек қўйишда давлат ташкилотлари билан биргаликда жамоатчилик ҳам бор қучи билан ҳаракат қилиши лозим, деб ўйлайман.

Ушбу мавзуда сўз юритганда, санъаткорлар билан боғлиқ ўта муҳим масалани асло четлаб ўтиб бўлмайди. Айтиш жоизки, тўйларда хизмат қиладиган санъат аҳли орасида фаолияти хизмат кўрсатиш саналиши, бунинг учун махсус лицензия кераклиги,

олаётган даромадидан солиқ тўлаш лозимлигини ҳаёлига келтирилмайдиганлар анчагина.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги «Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига миллий музыка санъатини янада ривожлантириш, бадний жиҳатдан юксак асарларни тарғиб қилиш, лицензия талаблари ва шартларини қучайтириш қабил вазифалар билан бирга, лицензияларнинг аҳолига маданий хизмат кўрсатиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқлаштириб берилган. Шунга қарамай, ушбу ҳужжатда белгиланган талабларга эътиборсизлик, таъбир жоиз бўлса, бепиесауликнинг гувоҳи бўлиш мумкин.

Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан бу йўналишда доимий равишда амалга оширилаётган назорат тадбирлари фикримизнинг исботини кўрсатмоқда. Ҳусусан, жорий йилнинг ўтган 3 ойи давомида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида 40 дан ортиқ профилактик тадбирлар ташкил этилди. Мазкур ўрганишлар давомида 30 та ноқонуний ҳаракат аниқланиб, мазкур ҳолатлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ноқонуний концерт-томоша фаолияти билан шуғулланишнинг ўзинга касб қилиб олган санъаткорлар билан тушуинириш ишлари олиб борилади. Вилоят давлат солиқ бошқармаси ва «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси вилоят бўлими томонидан ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида 20 га яқин ноқонуний кон-

церт-томоша фаолияти, яъни расмий ҳужжатларсиз суҳандонлик, раққосалик, хонандалик ва созандалик билан шуғулланиб келаётган фуқаролар фаолияти қонунийлаштирилди.

Ҳуллас, тўйларимизда учраётган оғриқли муаммоларни бартараф этиш, ҳусусан, уларда хизмат қилувчи санъаткорларнинг солиқ тўловларига бефарқ бўлмаслигини таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш лозим. Давлат ташкилотлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги қўллаб масалаларга ечим топишда кўмак бериши шубҳасиз.

Дилрабо ҚУРЁЗОВА,

Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси маъсул ходими



Севимли газетамизнинг 59-сонида эълон қилинган «Ўзбек ўзгарадими? Ёхуд эски одағлардан қачон қутуламиз?» сарлавҳали мақолада бугунги кунда барчамизни қийнаётган алмоий-алжойи удумлар билан боғлиқ асосий фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган. Муаллиф томонидан азалий қадриятларимиз, бошқа халқларнинг тўйлари билан солиштирилган ҳолда, бугун турмуш тар-

МЎЪЖИЗАВИЙ ФАВВОРАЛАР

шаҳарга чирой, аҳолига хушнудлик бахш этмоқда



Э.А. Бурганов

41 Ёз мавсуми, айниқса, кечки пайтларда фавворалар атрофи байрамона тус олади. Одамлар оқими бир баҳя бўлса-да, асло тинмайди. Бунинг босиси фавворанинг гўзаллиги, жозибадорлиги, ажойиб мусиқалари ва роҳатбахшлиги билан изоҳланади. Бу ерга кадам ранжида қилган киши ўзини сирли ва сеҳрли оламга кириб қолгандек сезади. Шаффоф сувнинг нафис ўйинлари киши диққатини ўзига тортади. Рақсга монанд таралаётган ажиб мумтоз ашулалар, дилга хушнудлик бағишлайди. Майин шаббодалар эпикни салқин тортганча юзингизни сийлайди. Турли хил шакллар ҳосил қилаётган фавворадан сачраган зарраларни ёқимли қоникши билан сезасиз. Жилланаётган нурлар, ранг-баранг чироклар сеҳри сизни орзулар осмонига парвозга чорлайди.

Фавворанинг мусикали дастури давом этади. Яна куй, яна тарона... Машхур киноларимизда ижро этилган, ҳалқимиз қалбидан энг тўридан жой олган хоншлар янграйди. Бу ашулаларни эшитишнингиз билан бириктири

кинолардаги тасвирлар, ҳолатлар кўз олдингизга келади. Таассуротлар ва ҳаёт уммониди дилингиз сархушлиги янада ортади.

Фавворалар атрофи мудом кичикинтойлар билан гавжум бўлади. Улар фавворага энг кўп талпинади. Ундан энг кўп завқ оладиганлар ҳам болалар. Фавворанинг мўъжизавий сеҳри болаларга хос тасаввурга монанд бўлса, ажаб эмас. Бу ерга жамулмак бўлган жажжилар қувончининг чеки йўқ. Шодон кийкириқлар, болаларга хос жўшқинлик, мўъжизалар оламидаги каби бекиёс хайрат. Фаввора ёнида 2-3 нафар кичикинтой рақсга тушмоқда, куйга монанд, оҳангга мос. Атрофдагилар ҳавас билан, завқ билан бокишаётганидан улар беҳабар, митти юраклариди кувонч дунёга сиймайди. Болага айланиб қолгн келади шундай пайтларда. Болаларнинг завқланаётганидан ота-оналарнинг кўнгли хотиржам, дили чароғон. Ҳаётнинг лаззати, бахт деганлари, аслида, шу эмасми?

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бутунги кунда фавворалар жой-

лашган майдонлар кўпчиликлнинг ором оладиган, хордик чикарайдиган сеvimли масканларига айланган. Қувонарли жихат шундаки, илгари фавворалар катта шаҳарларда қурилган бўлса, эндиликда барча шаҳар ва туманларда ҳам замонавий фавворалар барпо қилинаётган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда «Фавворалар сайли»ни ўтказиш одат тусига кирди. Бу қизиқарли маросим юртимиз бўйлаб кенг қулоқ ёймоқда. Сайил куни фавворалар атрофиди турли хил тадбирлар, интеллектуал беллашувлар, танловлар, спорт мусобақалари, кўргазмалар ташкил қилинаётгани одамлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Уларда санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, зиёли ва спортчиларнинг иштирок этиши эса байрам шукухига янада кўтаринкилик бахш этаётгани ҳам айтиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, фавворалар яратётган гўзаллик ва завққа янгича мазмун-моҳият бағишламоқда.

Амрилло АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
ижодий уюшмаси аъзоси

Спартакиада

Қашқадарё вилояти транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустриyasi ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларни соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга жалб этиш мақсадида Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти спорт мажмуасида V «Саломатлик» спартакиадасини ўтказди.

Дўстлик байрами

Армрестлинг, тош кўтариш, енгил атлетика, аркон тортиш ҳамда волейбол турлари бўйича 12 та жамоа таркибиди 192 нафар ходим кўзгин мусобақалашди. Дўстона руҳда кечган баҳслар якунида умумжамоа ҳисобида 1-ўрин Ғуздор транспорт касб-хунар коллежи, 2-ўрин Қамашни қурилиш ва саноат касб-хунар коллежи, учинчи поғона Чироқчи қурилиш касб-хунар коллежи спортсаварларига насиб этди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Боймурод МЕЙЛИЕВ,
Қашқадарё вилояти тармоқ
касаба уюшмаси бирлашган
касаба уюшма кўмитаси
раиси

Ижод фалсафаси

Ҳаёт дерлар бун...

(Бир пардали, ўн сонияли сўзи йўқ пьеса)

1-актёр. Кўзи юмук чакалок.
2-актёр. Кўзи очик йигит.
3-актёр. Кўзи юмук қария.

Парда очилади.

1-актёр. Экранда кўзи юмук чакалок кўрсатилади. Шод-у хурсандчилик мусиқаси остида.

ҚОРОНГУЛИК

2-актёр. Экранда кўзлари қулиб турган йигит кўрсатилади. Хуррамликни ифода этган мусиқа чалинади.

ҚОРОНГУЛИК

3-актёр. Экранда бандиликни бажо келтирган қария кўрсатилади. Мотам мусиқаси чалинади.

Парда ёпилади.

Тўлқин МУҲИДДИН



Элчи — мактаб меҳмони

Марғилон шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби 1936 йилда ташкил топган бўлиб, 1952 йилдан буён немис тили фани ўқитилиши йўлга қўйилган. Айти пайтда 1700 нафар ўқувчи таълим олаётган бу масканда 5-синфдан бошлаб немис тили билан бирга инглиз тили ҳам чуқур ўргатилади. Мактаб ўқувчилари фан олимпиадалари ва билимлар беллашувида совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Бу борада ўқитувчилар ҳам яхши натижаларга эришаётган. Немис тили ўқитувчиси М.Абдураҳмонова «Энг яхши ўқитувчи» кўрик-танловининг ви-лонт босқичида совринли ўринни

эгаллаган бўлса, С.Каримова шаҳар босқичида I ўринга сазовор бўлди.

— Мактаб педагогик жамоаси кўп йиллардан буён Германия эл-чиси билан немис тилини ўргатиш

Маркази билан мустаҳкам алоқа ўрнатган, — дейди мактаб директори Фарход Мавлонбердиев. — Мактабимиз ўқувчилари бу ташкилотлар томонидан уюштирилган тadbир ва кўрик-танловларда фаол қатнашиб

юборишнинг ҳам садақа, кўзи ожиз ки-шга ёрдам беришнинг ҳам садақа, йўл юзида ётган тошни, тиканини, суякни четга олиб қўйишнинг ҳам садақа, чела-гиндаги сувдан биродарининг чела-гига қуйиб беришнинг ҳам садақадир».

(Термизий ривояти).

«Ёшлик вақтингда сендан жия олсагу, кексайган вақтингда қаровсиз қолдирса, сенга нисбатан инсофсизлик қилган бўламан», деганлар ва унга етарли миқдорда байтул молдан нафақа беришни жорий қилганлар».

кўрқурлар. Таомни эса суюб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва асирларни едирурлар. (Улар айтурлар): «Бизлар сизларни фақат Аллоҳ «юзи» учун таомлантирурмиз. Сизлардан (бу иш учун) бирор муқофот ва миннатдорчилик кутмасмиз».

(«Инсон» сураси, 79-оятлар).

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Исромадаги ижтимоий ҳимоя фақат моддий томон билан

чекланиб қолмайди, балки ижтимоий ва руҳий қўллаб-қувватлаш билан ҳам ўзига хосдир.

Расулуллоҳ с.а.в. марҳамат қилганлар: «Биродарининг юзига табассум билан бокишинг ҳам садақа, яхшиликка бу-юрининг ҳам садақа, ёмонликдан қайтари-шинг ҳам садақа, йўлдан адашган кишини тўғри йўлга солиб

дан киши мўмин эмас» (Ҳоким ривояти).

Ижтимоий ҳимоянинг шарият билан боғлиқлиги Исрома арконларидан бири бўлиши заҳотида яққол намоён бўлади.

Аллоҳ таоло заҳоти олишга ҳақли бўлган ки-шилари Қуръони каримда бирма-бир баён қилган: «Албатта, садақаларни

фақат фақирлар, мискинлар, унда (садака ишида) ишловчилар, диллари ошна қилинувчи (кофир)лар, (пул тўлаб озод эти-лувчи) қулар, қарздорларга ва Аллоҳ йў-лида ҳамда йўловчи (мусофирга бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилли).

Аллоҳ илми ва ҳикматли зотдир». («Тавба» су-раси, 60-оят).

Ижтимоий ҳимоянинг Исрома дини ахлоқий жиҳати билан боғлиқ-лигини бошқа садақалар борасида кўриш мумкин.

«Улар (ҳозирда ўз зиммаларига олган) назрларини адо қилулар ва ёмон-лиги (даҳшатлари) кенг ёйилувчи кундан

бу дунёда унга итоат қилишдан иборат. Ибодатларни тўлиқ адо этиш, хайр-садақа ва заҳот бериш ушбу итоатлар сирасига қиради.

Бойларга яхшилик тариқа-сида Аллоҳ томонидан бери-ган молдан жамиятдаги мухтож-ларга эҳсон қилишга бу-юрин эса шу молда Аллоҳнинг ҳам ҳақи борлигини англатади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шу ҳақни фақир ва мухтож банда-ларига беришга бу-юрлади. Фақир ва мискинлар бойлардан садақа-ларни олишни ўзларига ор деб билмас-лиги учун мухтожларнинг молдаги наси-баларини уларнинг ҳақлари деб қарайди.

Улар Қуръон оятига биноан ўз ҳақларини худди шерикчилик орқали топилган даро-маддаги ўз улушларини олгандек қабул қилишлари лозим бўлади.

Исрома динида, фақирлик муаммосини ҳал қилишда, аввало, ўша фақирларни меҳнат қилишга, бирор-бир касб-хунар билан шугулланишга тарғиб қилиш, дан-гасаликдан қочишга ҳақирини билан эри-шиш лозимлиги таъкидланади.

Шу билан бирга, жамиятда меҳнатга ярамайдиган ёки муносиб иш топа олмаётган ёки иш бор-у, бироқ ундан оладиган даромади эҳтиёжини қоплашга етмайдиган ижти-моий ҳимояга мухтож кишиларга нисба-тан ҳам Исрома дини ўзига хос тарзда раҳнамолик қилишга йўллайди.

Исрома дини учун асосий қисм — эътиқод, ша-рият ва ахлоқдан ташкил топган бўлиб, ижтимоий ҳимояга мухтож кишиларга раҳнамолик қилиш мана шу қисмларнинг ҳар бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Эътиқод ва имон билан боғлиқлик жиҳати «Аллоҳ таоло ҳамма нарсанинг эгаси», деган ақидага тая-нади.

Албатта, Ал-лоҳ бандаси қўли-даги молдан бир қисминини мухтож-ларга беришни амр қилган. Мўмин киши эса ўз ақида-сига содиқ қолган ҳолда ушбу буй-рукни амалга оши-ради. Чунки Пай-ғамбаримиз с.а.в. марҳамат қилган-лар: «Ён қўшини оч ўтирганини би-ла туриб қорни тўқ ёт-

ган киши мўмин эмас» (Ҳоким ривояти).

Ижтимоий ҳимоянинг шарият билан боғлиқлиги Исрома арконларидан бири бўлиши заҳотида яққол намоён бўлади.

Аллоҳ таоло заҳоти олишга ҳақли бўлган ки-шилари Қуръони каримда бирма-бир баён қилган: «Албатта, садақаларни

фақат фақирлар, мискинлар, унда (садака ишида) ишловчилар, диллари ошна қилинувчи (кофир)лар, (пул тўлаб озод эти-лувчи) қулар, қарздорларга ва Аллоҳ йў-лида ҳамда йўловчи (мусофирга бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилли).

Аллоҳ илми ва ҳикматли зотдир». («Тавба» су-раси, 60-оят).

Ижтимоий ҳимоянинг Исрома дини ахлоқий жиҳати билан боғлиқ-лигини бошқа садақалар борасида кўриш мумкин.

«Улар (ҳозирда ўз зиммаларига олган) назрларини адо қилулар ва ёмон-лиги (даҳшатлари) кенг ёйилувчи кундан

бу дунёда унга итоат қилишдан иборат. Ибодатларни тўлиқ адо этиш, хайр-садақа ва заҳот бериш ушбу итоатлар сирасига қиради.

Бойларга яхшилик тариқа-сида Аллоҳ томонидан бери-ган молдан жамиятдаги мухтож-ларга эҳсон қилишга бу-юрин эса шу молда Аллоҳнинг ҳам ҳақи борлигини англатади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шу ҳақни фақир ва мухтож банда-ларига беришга бу-юрлади. Фақир ва мискинлар бойлардан садақа-ларни олишни ўзларига ор деб билмас-лиги учун мухтожларнинг молдаги наси-баларини уларнинг ҳақлари деб қарайди.

Улар Қуръон оятига биноан ўз ҳақларини худди шерикчилик орқали топилган даро-маддаги ўз улушларини олгандек қабул қилишлари лозим бўлади.

Исрома динида, фақирлик муаммосини ҳал қилишда, аввало, ўша фақирларни меҳнат қилишга, бирор-бир касб-хунар билан шугулланишга тарғиб қилиш, дан-гасаликдан қочишга ҳақирини билан эри-шиш лозимлиги таъкидланади.

Шу билан бирга, жамиятда меҳнатга ярамайдиган ёки муносиб иш топа олмаётган ёки иш бор-у, бироқ ундан оладиган даромади эҳтиёжини қоплашга етмайдиган ижти-моий ҳимояга мухтож кишиларга нисба-тан ҳам Исрома дини ўзига хос тарзда раҳнамолик қилишга йўллайди.

Исрома дини учун асосий қисм — эътиқод, ша-рият ва ахлоқдан ташкил топган бўлиб, ижтимоий ҳимояга мухтож кишиларга раҳнамолик қилиш мана шу қисмларнинг ҳар бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Эътиқод ва имон билан боғлиқлик жиҳати «Аллоҳ таоло ҳамма нарсанинг эгаси», деган ақидага тая-нади.

Албатта, Ал-лоҳ бандаси қўли-даги молдан бир қисминини мухтож-ларга беришни амр қилган. Мўмин киши эса ўз ақида-сига содиқ қолган ҳолда ушбу буй-рукни амалга оши-ради. Чунки Пай-ғамбаримиз с.а.в. марҳамат қилган-лар: «Ён қўшини оч ўтирганини би-ла туриб қорни тўқ ёт-

ган киши мўмин эмас» (Ҳоким ривояти).

Ижтимоий ҳимоянинг шарият билан боғлиқлиги Исрома арконларидан бири бўлиши заҳотида яққол намоён бўлади.

Аллоҳ таоло заҳоти олишга ҳақли бўлган ки-шилари Қуръони каримда бирма-бир баён қилган: «Албатта, садақаларни

фақат фақирлар, мискинлар, унда (садака ишида) ишловчилар, диллари ошна қилинувчи (кофир)лар, (пул тўлаб озод эти-лувчи) қулар, қарздорларга ва Аллоҳ йў-лида ҳамда йўловчи (мусофирга бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилли).

Аллоҳ илми ва ҳикматли зотдир». («Тавба» су-раси, 60-оят).

Ижтимоий ҳимоянинг Исрома дини ахлоқий жиҳати билан боғлиқ-лигини бошқа садақалар борасида кўриш мумкин.

«Улар (ҳозирда ўз зиммаларига олган) назрларини адо қилулар ва ёмон-лиги (даҳшатлари) кенг ёйилувчи кундан

Рамазон ўғитлари

Исрома динида бетоб кишиларни зиёрат қилиш, таниган ва танимаганга салом бериш, ҳатто инсонни сўнгги йўлга кузатиш, яъни жанозасида иштирок этиш, унинг яқинларига таъзия билдириш бора-сида ҳам етарли кўрсатмалар берилган ва бу амаллар учун улуғ савоблар ваъда қилинган. Буларнинг барчаси инсонларнинг кўнглига хурсандлик қиритадиган, ижти-моий алоқани яна ҳам мустаҳкамлайди-ган исломий фазилат саналади. Айти пай-тда Исрома динида мухтожга ёрдам қўлини чўзишдан қочиб, бундан бўйин товлаш қаттиқ қораланади. Куйидаги ҳадисдан шу маънони аниқлаш мумкин: Расулуллоҳ с.а.в. деҳлар: «Қиёмат куни Аллоҳ азза ва жалла айтиди: Эй, Одам боласи! Мен бетоб бўлдим, сен эса мени кўргани келма-динг! У айтиди: Эй, Раббим! Сен оламларнинг раббиси бўлсанг, мен сени қандай кўр-гани бораман? У айтиди: Фа-лон бандам бемор бўлганини билиб туриб, уни кўргани бор-мадинг. Агар уни кўргани бор-ганинда, ўша ерда мени топ-ган бўлар эдинг. Эй, Одам бо-ласи! Сен сўрадинг, мен сўрадим, сен эса бермадинг. У айтиди: Эй, Раббим! Сен оламларнинг Раббиси бўлсанг, мен сени қандай таомлантирай? У де-йди: Фалон бандам сендан таом сўраганда сен бермадинг. Агар бер-ганинда ўша савобни ҳозир шу ерда топган бўлар эдинг. Эй, Одам боласи! Мен сендан сув сўрадим, сен бермадинг. У айтиди: Эй, Раббим! Сен оламларнинг Раббиси бўл-санг, сенга қандай қилиб сув берай? У де-йди: Фалон бандам сендан сув сўради, сен бермадинг. Агар берганинда ўша савобни меннинг хузуримдан топишингни бил-масмидинг? (Муслим ривояти).

Исромада ижтимоий ҳимоя нафақат мўмин-мусулмонлар ўртасида бўлиши, балки бу имтиёздан ғайридин вакиллари ҳам фойдаланиши, мусулмон жамиятида яшаётган бошқа дин кишиларига ҳам ғамхўрлик қилиниши лозим экани таъки-дланган. Пайғамбаримиз с.а.в. ҳадислари-нинг бирида марҳамат қилганлар: «Ким зиммийга азият етказса, мен у билан хусу-матлашаман. Мен ким билан хусу-матлаш-сам, қиёмат кунида ундан ҳаққимни ола-ман».

Зикр қилинишича, Умар ибн Абдула-зиз Басра шаҳридаги волииси Адий ибн Артоётга йўллаган мактубда шундай ёз-ган экан: «...Қарамоғингдаги аҳли зимма-лардан қайсиларининг ёши кексайиб, қув-вати заифлашиб, касб қилишга қурби ет-май қолган бўлса, уларга байтул молдан етарли миқдорда нафақа ажратилишини жорий қилгин. Шунинг учунки, мўмин-ларнинг амири Умар ибн Хаттоб р.а. уй-ма-уй юриб, одамлардан тиланчилик қи-либ юрган аҳли зиммалардан бўлиши бир қарияга «Ёшлик вақтингда сендан жия олсагу, кексайган вақтингда қаровсиз қолдирса, сенга нисбатан инсофсизлик қил-ган бўламан», деганлар ва унга етарли миқдорда байтул молдан нафақа беришни жорий қилганлар». Бундан келиб чиқа-дими, Исрома тарихида биринчи марта дав-лат ҳазинаси ҳисобидан кесаларга ижти-моий таъминот учун нафақа тайинланиши Умар ибн Хаттоб давридан бошланган. Бу эса Исрома дини ижтимоий ҳимоя бора-сида ҳар бир ҳақ эгасининг ҳаққини адо этишга кенг тарғиб қилувчи дин эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА
тайёрлади.

Таълим истиқболи

келмоқда. Бундан ташқари, ўқитув-чиларимизнинг Германия институт-ларида ўз малакаларини ошириб ке-лаётгани иш фаволиятимизга ижо-бий таъсир кўрсатмоқда. Германия элчиси меҳмон бўлди ва бу ерда не-мис тилини ўргатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан батаф-сил танишиб чиқди. Келгусида бун-дай ҳамкорликни янада кенгайтири-моқчимиз.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустриyasi ходимлари касаба уюшмаси Республикаси Кенгаши ҳамда Тошкент вилояти бирлаш-ган касаба уюшма кўми-таси жамоаси «Оҳонгарон-шиффер» АЖ бошлангич ка-саба уюшма ташкилоти раиси Озод Хушназарова турмуш ўртоғи

Анора
БОТИРОВАНING
бевақт вафот этгани му-носабати билан чуқур
ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир: Хўсан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Хўқуқ ва ҳалқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармон ва
қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий,
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисоб рақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшинобада филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-90) 991-55-71
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Навбатчи:
Д. Аллақулова
Мусоҳиҳ:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Х. Абдулжалилов
Босишга топшири